

Маккаи Мукаррамада халқаро анжуман



18:02 / 28.05.2019 2113

Рамазон ойининг 22 куни Маккаи Мукаррама шаҳрида Икки ҳарам ходими қирол Салмон ибн Абдулазиз Оли Саъуднинг бевосита риояси остида «Робитатул-ъаламил-исламий» (Ислом олами робитаси) томонидан ташкил қилинган «Қуръон ва Суннатда васатия ва мўътадиллик қадриятлари» деб номланган халқаро илмий анжуман иш бошлади.

Анжуман фаолиятида дунёнинг турли минтақаларидан таклиф қилинган минг нафардан ортиқ дин пешволари, муфтийлар, уламолар, исломий таълим муассасаларининг раҳбарлари ва бошқа масъул шахслар иштирок этмоқда. Жумладан, ушбу анжуманда «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси раҳбари, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги жомеъ масжид имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содик ҳам қатнашмоқда.

Маккаи Мукаррама минтақасининг амири Холид ибн Файсал анжуманни очик деб эълон қилиб, қирол Салмон ибн Абдулазиз Оли Саъуднинг анжуман қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Анжуман фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлар билан янгиликларимизнинг келгуси сонларида танишишингиз мумкин.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти